



МАДАНИЯТ

№24 (106) 23.07.2020 йил

20 июль – Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллуд топган кун



Ўлмас наволар куйчиси

Шундай хонандар бўладики, улар ижроси йиллар ўтса-да, ёруғ кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам мухлислар томонидан севиб тингланади. Комилжон Отаниёзовнинг жўшқин ижоди ва фаолияти санъат мухлислари, ўзбек, туркман, тожик, қорақалпоқ ва бошқа қардош халқлар томонидан гоёат ардоқланади. Унинг бетактор кўшиқлари мудом қалбимизда янграб тургандек гўё.

Халқимизнинг сеvimли санъаткори Комилжон Отаниёзов 1917 йилнинг 20 июлида Шовот тумани Бўйрачи қишлоғида туғилган. Отаси Отаниёв Қори Охун зиёли инсон бўлиб, Ниёзий тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Устоз хонанда сифатида илк бор “Раънони кўрдим”, “Устозиндан айрилма”, “Саётхон боғладур, боғда” каби дoston йўлларидан олинган кўшиқлар билан мухлислар қалбидан жой олиб, музика маданияти, хусусан, Хоразм воҳасининг қадимий анъаналари негизда юзага келган ҳамда вояга етган санъаткордир. Дoston йўлларини Бола бахши Абдуллаевдан, Хоразм маком ашула йўлларини Матпано Худойбергандан ўрганган.

Эл назарига тушган ҳамкасбларидан Олланазар Хасанов (скрипкачи), Курбонбой Бобожонов (сурнай, кўшнай, буламон чолғуларининг мохир ижрочиси), Отаназар Абдallиёзов ва Саидназар Отажонов (машҳур доира ижрочилари), Каримжон Исмоилов (Ўзбекистон халқ артисти, узоқ йиллар ҳамнафаслик қилган хофиз) устоз билан ижодий ҳамкорлик қилган.

Комилжон Отаниёзов ижодининг бетакторлиги, ўзига хослиги, жозибаси, барҳаётлиги сири нималардан иборат экани ҳамон музикачиларни қизиқтиради. Муболагасиз у жозибали ва кучли овоз соҳиб бўлиб, ҳар бир асар талқинида бадийи етукликка эришган. Хоразм театрларида хонанда ва актёр сифатида ишлаб кўлаб образлар яратган. Театрда ашула ва рақс ансамбли тузиб, концертлар уюштирган. Ўзбекистон халқ артисти даражасига эришган Комилжон Отаниёзов назарий ва амалий билимларини ошириш мақсадида 1951 – 1955 йилларда Тошкентдаги Ҳамза номидаги музика билим юртини тугатиб, 1955 йили Тошкент консерваториясида таълим олган. Сўнгра Ўзбекистон давлат

филармониясида яккахон хонанда, Хоразм ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари бўлган. Туркманистоннинг Тошқовуз вилояти театрида халқ ансамбли, Шовот туманида “Феруз” ансамблини ташкил этди.

Унинг дастуридаги кўшиқ ва ашулалар, дoston йўллари, сурвалар, маком намуналари шинавандаларнинг кўнгил мулкига айланиб қолган.

Устоз санъаткор Хоразм анъанавий музикасининг деярли барча турларига мурожаат қилган. Оддий халқ термалари, лапарларидан тортиб ўзига хос халфа йўллари, дoston куйлари, улғувор сурвалар ва макомларни ҳам пухта эгаллашга интилган. Мухлислар ундан доим янги кўшиқларни кутишга одатланиб қолган эди. Йирик воқеалар, байрам ва тантаналарда жўшқин кўшиқлар куйларди.

Бастакор сифатида ижод қилган “Салом, сенга Хоразмдан”, “Муборак”, “Ватан”, “Олқиш”, “Темир йўл”, “Ўзбекистон”, “Хоразм” каби кўшиқлари жўшқинлиги, халқчиллиги билан ажралиб туради.

Давоми 5-саҳифада >>

Ушбу сонда

Ўз фанимни, болаларни севаман

2-саҳифада >>



“Умрбоқий наволар” ғолиблари аниқланди



5-саҳифада >>

Эру хотин уришида дока-рўмол телевидениеда қурийтиляпти (ми?)

8-саҳифада >>

Хотира

Сурат ва сийратнинг боқий умри



Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати, “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари нишондори Шукрулло Юсупов оламдан ўтди.

Пиру бадавлат отахоннинг 100 йиллигини нишонлаш арафасидаги нохуш айрилиқ ўзбек адабиёти осмонидagi яна бир ёрқин юлдузни сўндирди. Начора, улғу шоиримизнинг ўзи таъкидлаганидек: “Улим ҳақ эканими, ён бор ўлсам кам, сенинг эркинг учун севишли халқим...”

Ҳаётини ўз халқи эрки учун пойдор

қилмоқни афзал билган оташин шоирнинг садақатини тақдир салкам бир асрлик умр билан сийлади. Балки, бу ижодкорнинг самимийлиги, инсоний фазилатларининг муносиб баҳосидир...

Аслида ўзининг сермахсул ижоди, чуқур фалсафий, ҳаётий асарлари билан ўзбек адабиёти саҳифаларига мангу битилган Шукрулло Юсупов сиймоси бу кулгў йўлни танлаганлар учун ибрат намунасидир. Тақдир зарбаларига мардона туриб берган матонатли инсоннинг асарларида ҳам ана шу сабр-тоқат, садақат, захматли меҳнат самаралари акс этиб туради. Шо-

ирнинг болаларга аталган “Юлдузлар”, “Баҳор совғаси” каби шеърый тўпламлари, “Икки қоя”, “Кўнгил чироғи”, “Чоллар”, “26-тонг отари”, “Гул ва оташ” каби дostonлари, “Хатарли йўл”, “Тўйдан кейин томоша”, “Табассум ўғрилари” каби драматик, “Кафансиз кўмилганлар” (автобиографик), “Қасосли дунё”, “Тирик руҳлар” каби мақолалар тўплами ва романлари, “Жавоҳирлар сандиги” номли эссе ва қатор таржима асарлари адабиётимиз ихлосмандларининг сеvimли асарларидандир. Мен, айниқса, “Кафансиз кўмилганлар” асарини ўқувчилик давримдаёқ катта

қизиқиш билан ўқиганман. Адибимизнинг ва бошқа миллат фидойиларининг қатағон йилларидаги кечмишлари мени чуқур ҳаяжонга солган. Балки, шундан кейинги шукроналик билан кечган ҳаёти исми-жисмига монанд инсон Ш.Юсупов умрининг бардавомлигини таъминлагандир...

Улғу шоир, ёзувчи, драматург Шукрулло отамиз вафоти муносабати билан унинг оиласи, фарзандлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирдимиз. Халқимиз ардоғидаги шоирнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди...

О. НАЗАРБЕКОВ, Маданият вазири

<p>Донолар сузлайди...</p> <p>Маданиятнинг қай даражадалиги аёлга бўлган муносабат билан белгиланади.</p> <p>М.Горький</p>	<p>Энг катта хато одам ўзини ҳамма нарсанда Бенуқсон деб билишидир.</p> <p>Карлейл</p>	<p>Киши ўзганинг бахтидан бахт топса, у ҳақиқий яшаган ҳисобланади.</p> <p>Гёте</p>
--	--	---

Диккат, эълон!!!

Қабул – 2020 давом этади

Ўзбекистон давлат консерваторияси 2020/2021 ўқув йили учун 5 йиллик иш стажига эга ходимлар ҳужжатларини сиртки бўлимга қабул қилишни бошлади.

Қабул қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- 1. Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)

2. Вокал санъати (турлари бўйича)

5 йиллик иш стажига эга абитуриентлар учун сиртки бўлимга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

ЎзДК ректори номига ариза (konservatoriya.uz веб сайтида ёки @konservatoriya.uz телеграмм каналидан ариза намунасини юклаб олиш мумкин) Паспорт (пропискаси билан)

Диплом (илоvasи билан) ёки 11 йиллик мактаб (шаҳратномаси) Иш жойидан тавсиянома Меҳнат дафтрачаси

Маълумотлар PDF ёки RaR форматида madaniyat2030@gmail.com электрон манзилга 2020 йил 31 июль санасига қадар жўнатилиши керак. Мурожат учун тел.: +998 71 244 91 13



Санъаткорларга қулайлик



Энди қўшиқчиларга лицензия олиш талаб этилмаслиги мумкин

Қуни кеча Адлия вазирлиги томонидан лицензия ва ружсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган Президент Фармони лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Ҳўш, концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш нима мақсадда жорий этилган эди? Адлия вазирлиги масъул ходими Дилшод Шадиевнинг қайд этишича, бунинг бир нечта мақсадлари бўлган.

Маълумки, аввалги Солиқ кодексига (2007 йилдаги) концерт-томоша фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахсларнинг ушбу фаолиятдан олинган даромадлари даромад солиғидан озод этилган эди.

Шу сабабли, концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия учун давлат божи йилга 3 млн. сўмдан 43 млн. сўмгача қилиб белгиланган.

Жумладан, 2019 йилда лицензияси бўлган 3 352 нафар санъаткорнинг 2 935 нафари (87,5%) 3 ойгача, 217 нафари (6,5%) 6 ойгача муддатта лицензия олишган.

Бирок Солиқ кодексининг янги таҳририда ушбу имтиёз бекор қилинган ва улар 12 фойзлик даромад солиғига тортиладиган бўлди.

Иккинчидан, лицензия санъаткорларни маданий-маърифий тадбирларга жалб қилишда ҳам қўлланилган.

Жумладан, лицензия шартномалари тузилишида унинг талаб ва шартларида санъаткорлар зиммасига лицензияловчи орган талабига қўра маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиши белгиланган.

Қайд этиш керакки, тадбирларда санъаткорлар иштироки ихтиёрийликка асосланса, уларнинг кўрсатидиган хизматлари сифати ҳам яхшиланиши мумкин.

Учинчидан, концерт-томоша тадбирини ўтказишда санъаткорларнинг саҳна маданиятига, миллий кадрятга ва аъёналарга риоя қилиш, ижрочилар чиқишида ноҳомиз хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсади кўзга тутилган.

Тўғри, санъаткор ҳуққ-аътори унинг муҳлисларига, айниқса, ёшларга таъсир қилади ва ундан ўрнак олишади. Шунинг учун, уларнинг саҳна маданиятига риоя қилиши ҳанузгача ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Аммо ҳозирги кунда Интернет тармоғининг оммалашishi, ундаги контентларнинг ёруғлик тезлигида тарқалаётгани, саҳна маданияти, миллий кадрятлар ва аъёналарни бузувчи санъаткорларнинг ноҳомиз хатти-ҳаракати аҳоли орасида тезлик билан тарқалишига олиб келмоқда.

Бир нарса аниқки, Интернет тармоғини батамом чеклашнинг имконияти йўқ. Бу эса, концерт-томоша фаолиятини лицензиялашдан кўзланган мақсадга ҳам эришиб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, лицензия берилмаган, бирок санъаткорлик фаолиятини амалга ошираётган шахслар томонидан ноҳомиз хатти-ҳаракатлар содир этилган тақдирда "Ўзбекконцерт" уларга нисбатан тегишли чоралар қўра олмайдди.

Шуни таъкидлаш керакки, санъаткорларнинг ноҳомиз хатти-ҳаракатларига нисбатан фўхароларимиз томонидан ижтимоий тармоқларда муносабатлар билдирилиши кўпаймоқда – жамоатчилик назорати кучаймоқда.

Юқоридаги ҳолатлар концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш ҳозирги давр талабига мос келмай қолганини кўрсатмоқда.

Ҳоризда концерт-томоша фаолияти оdatда лицензияланмайди. Жумладан, МДХ давлатларидан Грузия, Қозоғистон ва Россияда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун лицензия талаб этилмайди.

Шунга қўра, Президент Фармони лойиҳасида концерт-томоша фаолиятини лицензиялашнинг амалдаги тартиби бекор қилиниб, хабардор қилиш тартибига ўтказилиш тақлиф этилмоқда.

Тақлиф этилаётган тартибга қўра, санъаткорлар концерт-томоша фаолияти билан қандай шугулланиши мумкин?

Жумладан, санъаткорлар ўз фаолиятини бошлашдан олдин ваколатли орган ("Ўзбекконцерт" давлат муассасасини) хабардор қилса қийос. Хабарномани юбориш вақтида уни жўнатаётган санъаткор олдиндан белгиланган талабларга риоя этиш мажбурийтини зиммасига олади.

Шуниси эътиборликки, қўллаб ҳужжатларни олиб ваколатли органга бориш ва катта миқдордаги давлат божини тўлаш талаб этилмайди.

Ҳуллас, ушбу янги тартибнинг жорий этилиши давлат божи тўлашдан қочаётганларнинг ҳам ўз фаолияти билан қонуний шугулланишига шароит яратиб беради.

Дилшод ШАДИЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Тил маданияти

Ўз фанини, болаларни севаман

Болалик чоғларимда мактабга боришни орзиқиб қутардим. Бошқа фанлар ўз йўлига-ю, рус тили дасри мен учун қизиқарли эди. Юзларидан вур ёғилиб турадиган ўқитувчимиз Самандар Матёқубовнинг меҳрибонлиги, самимилиги, дарсларни жон қуйдириб тушунтиришлари, айниқса, тўғри жавоб берганимизда қувониб "Баракалла, бўлар экан-ку!" дея алқашлари жуда ёқарди.

Устозимизнинг ур йўлоши Гулистон опа ҳам рус тилидан даср берадди. Улар биздан ўзаро рус тилида сўзлашганларида ҳавасимиз келарди. Шунингдек, ақилиги, касбига садоқати, муомала маданияти билан ўқитувчилар орасида ҳам ҳўрмат қозонгандилар. Аслида мен аниқ фанлар – математика, физика дарсларини ҳам яхши билардим, олимпиадаларда доимо яхши ўринларни эгаллаб келардим.

Лекин, тақрор айтаман, она тилимизнинг устуворлиги, жамият ҳаётидаги тутган ўрни дахлсиз бўлиши керак. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири О.Назарбоевнинг халқимиз азалий орзу-армонлари ифодаси бўлган она тилимиз – ўзбек тилига бўлган муносабатда миллий кадрятимиз, ўзгилгимизни асраб-авайлаш тамойилини унутмаслигимиз, унга берилган давлат тили мақоми дахлсизлигини таъминлаш қар биримиз учун вийдон яхши бўлиши кераклиги ҳақда янги фикрлари кўпчилигининг дилидаги гап бўлганини таъкидламоқчиман.

Ўз она тилига бўлган ҳўрмат, меҳр-оқибат, садоқат, аввало, оилада шаклланиши керак. Алар ота-она миллий ўзгилгимиз, тилимиз шаънини улуғласа, фарзандларини аждодларимиз тилига ҳавас руҳида тарбиялай олса, улар бошқа халқлар тилини ҳам ҳўрмат қилишади. Шу ўринда сўзлашув маданиятига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Бир тилини бошқа тил билан қорштириб сўзлаш маданиятсизликдир. Шунингдек, ўз тилида ўқитиладиган мактабда бериладиган билимга ишоччилик билан қарайдиган ота-оналарни ҳам оқлай олмаيمан. Акс ҳолда ўз каш-фиётлари, беназир ижоди билан дунёни лол қолдирган Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби алломаларимиз бўлмаган бўларди...

Шу нуктага назардан айрим ота-оналарнинг болаларини мажбуран рус тилида ўқитиладиган мактабларга бери-



тида болажонларнинг билим ва иқтидорига масъуллигини доим ёдда тутаман. Агар битирувчиларимиз нафақат ўз она тилида, балки дунёда кенг қўлланадиган рус, инглиз, немис, француз тилларини яхши ўрганиб, шу тилларда эмин-эркин сўзлай олишса, бу бизнинг ютуғимиз бўлади.

Дарвоқе, туманимиздаги 32-умумтаълим мактабда иллаётганимга ҳам салкам 30 йил бўлиб қолди. Энди ўзим ҳам ўқувчиларимга тил ўргатаётганим, шоғирларим бирма-бир мактабни тутатиб, олийгоҳларга ўз билимлари билан қираётгани билан фахрланаман.

Бу йил Гулинисо Болтаева, Дурдона Бобоқонова каби ўқувчиларим олийгоҳни битириб, рус тили муаллими бўлиб мактабимизда иш бошлашади. Қолаверса, қизим Лолаон Бахтиёрнова ҳам менинг касбимни таллаб, ўзим ўқитган нуфузли олийгоҳ – Ўзбекистон дав-

лат жажон тиллари университетининг рус филологияси факультетига юқори баллар билан ўқишга кирди. Бу мен учун катта бахт! Айниқса, институтда ўқир эканман, "Келажақда яхши мутахассис, маҳоратли ўқитувчи бўласан" дея рағбатлантирган Н.М.Петрухина каби устозларимнинг ишончини оқлаганимдан бахтиёрман. Зеро, глобаллашув жараёнида, тобора дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ҳақли равишда ўрин олаётган, янгиланаётган Ўзбекистоннинг нафақат ўз тилларида, балки хориз тиллари, айнан рус тилида эмин-эркин сўзлаша оладиган, тенглар ичра тенг, қаддио қадри баланд ёшларида талим-тарбия бераётган ўқитувчилар қаторида эканлигим – менинг бахтим.

Мақтабимизда "Болам бахтли бўлай десанг чет тилини ўрган" широри остида рус тили, шунингдек, француз, инглиз тили ўқитувчилари билан ҳамкорликда маънавий-маърифий, адабий-бадий кечалар уюштириш ўқувчиларимизда чет тилларга бўлган қизиқишини ояа оширмоқда. Директор Шероид Аҳмедов бу борада барча зарур шароитларни яратиб бераётганини таъкидламоқчиман. Фанларни чуқур ўзлаштириш мақсадида ташқил этилган тўғрақарларимиз доимо ўқувчилар билан гажув бўлади. Тўғрақарларимиз ишларидан ота-оналар ҳам мамнун. Хўсуслан, рус тили фани бўйича тўғрақаримизга қатнашаётган ўқувчиларимиз яхши натижаларга эришмоқда. Бу йил ҳақда олийгоҳларга, рус филологияси факультетига топшириш орузидаги ўқувчиларимиз кўп. Кискасиз, ҳозирги пандемия шароитида ҳам билан олшган чанқоқ ёшларимиз онлайндарсларда кўнгил билан шугулланишмоқда. Натижалар эса узоқ кўтдирмайди. Шу ўринда янги йўлдан кетган мактабларимиз ўқувчиларини яна ўз бағрига олиши учун эса қарантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз зарурлигини таъкидламоқчиман.

Нилуфар МАТЎҚУБОВА, Хоразм вилояти, олий тофанли ўқитувчи

Онлайн намойиш

Театр жамоаси катта экранда

“Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студияси давлат муассасаси пандемия даврида онлайн театр томошлари намойишини бошлаб юборди. 15 июль куни театр жамоаси Самарқанд вилоят музикали драма театрида “Аршин мол олан” спектаклини онлайн тарзда тақдим этишди. Ўзбекистон

халқ артисти Баходир Йўлдошев режиссёрлигидаги спектаклда бош ролларни Адиз Ражабов, Хуршеда Арабшоева, Умарбек Жумаев, Раъно Эгамбердиева, Вали Жўрабеков каби маҳоратли актёрлар ижро этишди. Спектакль муаллифи Собит Рахмон, рассом Доно Рабиева, бас-такор Узеир Гаджибековлардир.

Онлайн спектакль намойишини Самарқанд вилоят музикали драма театри жамоаси ходимлари ижтимоий масофани сақлаган тарзда катта экранда томоша қилишди. “Аршин мол олан” музикали комедияси ўзининг жозибали, ўйноқи кўшиқлари билан томошабинларга ёд бўлиб кетган.



Қалб нури

Китоблар қуёшга қийёсланади

“Китобсиз уй қалбсиз танага ўхшайди”

Цицерон



камалиб олдим. Овқат ҳам емали қўйдим. Шунда дадам ёнимга келиб, ўша китобни, мен учун қадри бўлган “Сариқ девни миниб” романини қўлимга тутказиб, “Бошидан бошлаймиз”, деди-да, бошқа сўз демади. Бошидан бошлаймиз жумласи, гарчи иккита сўз бўлса ҳам, мени шу қадар руҳлангирдики, хафагарчиликларим тарқади. Фақат эндиликда кўпроқ вақтимни фанларга ажратп-кан. Танловда ҳам қатнашган турибман. Доим вилоят босқичида ўрин оламан. Лекин энг катта мақсадим – олийгоҳ талабаси бўлиш.

ШУЯМ ЖУРНАЛИСТИМИ?

Бу йил журналистика университетини талабаси бўлиш учун имтиҳон топшираман. Ушбу хасбни танлашим ҳам қизиқ бўлган. Бир куни уйимизга ижодим, ютуқларим ҳақида кўрсатув тайёрлашга бир журналист келди. Турли саволларига жавоб бердим. Ҳаммаси яхши эди-ю, лекин шу журналистнинг бир фикри менга ёқмади. Нима эмиш, оиланда университетда ўқиганлар бор-микин. Мен йўқ деб, оддий дехдон оиласидан эканимни айтгач, журналист опа “Ҳа, тушунарли, унда зиёли оила деб таништирмай қўя қоламан”, деди. Дадам билан аяжоним ҳақида унчалик эътибор бершмади. Лекин менга алам қилди. Олий маълумотли деган дипломи борлар зиёли экан-ю, лекин фарзанди учун рўзгоридан орттириб китоб олиб берадиган меҳнаткашлар зиёсимми?! Журналистнинг шу гапидан кейин ўз олдимга мақсад қўйдим. Мен шундай журналист бўлайки, зиёлиликни диплом билан ўлчайдиган баъзи кишиларга ҳақиқий журналист қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб қўяй, деб ўз олдимга мақсад қўйдим.

БОЛАЛИК БАЁТИМ

Чиндан ҳам ижод қилишни яхши кўраман. Ҳам ақл, ҳам қалб билан фикрлашга ҳаракат қиламан. Ахир ўткир Ҳошимов бекорга “Ижодкорда қишлоқнинг қалби, шаҳарнинг ақли бўлиши керак”, деб ёзмаган-ю. Ҳошимжон ҳақидаги китобни, унинг саргузаштлари-ю, хангомаларини ўқиб, жуда таъсирлангандим. Танловда ютқазиб қўйганимда ҳам шу китоб билан овудим. Китобларни хар кўраганимда, меннинг ҳам шундай китобларим чиқади, деб ният қиламан. Ният қилган инсон, албатта, ўйлаганини эри-

шар экан. Ўн уч ёшимда биринчи шеърим китобим нашр этилди. “Болалик баёти” деб номланган жажжи китобча чиққанидаги қувончимни тасаввур қила олмайсиз. “Тила топган сичқонча” шеърини Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқни топиб олганидан илҳомланиб ёзгандим.

УСТОЗ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўйлаб қарасам, “Сариқ девни миниб” асари менинг ҳаётимни анча ўзгартирган, ижодкор бўлишимга катта ҳисса қўшган китоб экан. Албатта, китобга қанчалик меҳрим бўлса, унинг муаллифига ҳам муҳаббатим чексиз. Ҳам ўсимларга, ҳам болаларга бирдек манзур келадиган асарлар ёзган ёзувчи бўлган ҳурматим юқори. Болалигимдан Худойберди Тўхтабоев билан учрашшни орзу қилардим. Биласизми, Ўзбекистон – орзулар мамлакат. Бу юртда ҳамма орзулар амалга ошади. 2018 йилда сеvimли ёзувчимнинг уйига бордим. Шеърларимни, ҳикояларимни эшитиб, қимматли фикрларини бирдирдилар. Шундай қилиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг энг кенжа шогирдларидан бирига айландим.

БОЛАЛАР КИТОБИ-КУ...

Бу йил “Онам кипригига арзимас дунё” номли шеърим китобим чоп этилди. Юздан зиёд шеърларим жамланган тўпламимга сеvimли устозим, Худойберди бобом сўзбоши ёзиб берди-лар. Айниқса, у кишининг “Ёрқинжон ўғлим, ижодинг ёрқин ва бардавом бўлсин. Сени қучоқлаб, пепонангдан ўшиб қоламан!”, – деб ёзганлари қандай бахтли ёш ижодкорлар қаторида эканимдан далолат беради. Баъзан ўйлашиб қоламан, йиллар аввал дадажоним айнан “Сариқ девни миниб”ни эмас, бошқа китобни олиб берганларидан мен бугунги натижаларга эриша оларимиди деб... Йўқ, буни тасаввур ҳам қилолмайман. Бу китоб менга, руҳиятима шу қадар таъсир қилганки, унинг натижасида болуғим ижод қилиб ўтирибман. Ёзганларимни янада яхшироқ англамоқчи бўлсангиз, “Сариқ девни миниб” романини ўқиб кўринг. Болалар китобичу, дейишга шойилманг. Чунки болалар руҳияти, болалар дунёси катталарни ҳам поклашга қодир. Ахир, эҳ болалигим қайтсаиди, деганларнинг қанчасини эшитгансиз. Келинг, ҳам хаёлотда, ҳам ҳаётда болалар каби пок ва самимий, тўғриси бўлишга ҳаракат қилиб, бир-биримизга меҳрибон бўлиб қолайлик.

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Сирдарё вилояти
Мирзаобод тумани
15-мактабнинг
11-синф ўқувчиси**

ти керак экан. Сабаби, болалигимдан оилам китобга меҳр уйғотганида, эҳтимол, бугунги натижаларимга эриша олмаган бўларимиди?! Биринчи синфлик пайтмиданок шеърлар ёза бошлаганман. Мактабга боришдан аввал аяжоним менга ёзишни аллақачон ўргатганди. Аммо аям ўргатган ёзув бошқачаю, мактабдаги бошқачароқ эди. Кейин билсам аям кирилл алифбосида ёзишни ўргатган экан. Янги ёзувни ҳам тезда ўрганиб олдим. Биринчи синфдаги шеърлар ёзишга бўлган иштиёқим, иккинчи синфда дадамнинг совасидан кейин янада ошди. Ҳошимжоннинг саргузаштлари ҳақида ўқиб, ўзимни худди унингдек тасаввур қилардим. Тасаввурингдагиларни эса шеърларда акс эттирдим. Ўша пайтдаги эътибор ва, энг асосийси, оилавий муҳит туфайли бугун китобхон ўқувчига айландим.

КИТОБ ВА ҚУЁШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида “Бугун битта китоб ўқиган бола эртага ўнга телевизор кўрган болага етакчилик қилади”, дея таъкидлаган эдилар. Инчунун, китоб инсониятнинг энг яқин дўсти, маслаҳатдошидир. Китобларни қуёшга ўхшатаман. Бечора қуёш инсоният қанча хунрезликлар қилса ҳам, доим дунёни чароғон қилиш учун нур сочади. Китоблар қуёшдай буюк. Қуёш оламни ёритса, китоблар инсоннинг қалбини нурга тўлдиради. Бундан уч-тўрт йил аввал ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишлари сўз экани асосий муаммо эди. Лекин Президентимиз муаммага ечим сифатида шундай ёрналиқ ўйлаб топдиларки, бу бутун дунёга ўрнатилди. Бугун юртимизда “Китоб ўқиган машина минади”, деган шпор миллионлаб ёшлар қалбига кириб борди.

ЁШ КИТОБХОНЛАР

“Ёш китобхон” танловининг ўтказилиши, ғойиларга “Президент совғаси” сифатида машина совға қилиниши бутун дунёга ўрнатилса арзийдиган ташаббус бўлди. Худойберди Тўхтабоевнинг романини ўқишдан бошланган китоблар оламини саяхатим танловда қатнашиб истаги томон етаклади. Ўқилиши керак бўлган китоблар рўйхатини кўрганимда кўпи билан таъниқ эканимдан қувондим. 2017 йилда танловнинг туман, вилоят босқичларида ғойиб бўлдим. Республика босқичи 2018 йилда ўтди. Гарчи, ғойиб бўлмасам-да, энг фаол иштирокчи номинацияси билан тақдирландим. Танловдан сўнг жуда хафа бўлдим. Ютқазиб алами шу қадар оғирлигини билмаган эканман. Хонамга

Китоб сўзини эшитганимда бир воқеа ёдимга келади. Адашмасам, ўша пайтлари саккиз ё тўққиз ёшда эдим. Дадам билан даладан қайтишда бозорга боришни ва албатта музаймоқ олишни келишиб олганимиздан сўнг шопилопар сари жунадик. Аям дадамга бир қоғоз тутказди. Бу қоғозда бозордан олиб келишимиз керак бўлган нарсаларнинг рўйхати ёзилганди. Далага бордик, шוליға сув меъёрида оқаётганини кўриб, кўнглимиз тинчиди. Ахир, сув бўлмаса, шолидан ҳам умид йўқ-да. Бироз далада айланганимиздан кейин бозорга жунадик. Бозорда китоблар дўкони ёнидан ўтди-у, дадам дарров ортага қайтди. Музаймоққа атига ўн қадам қолганида мен ҳам ортага қайтишга мажбур бўлдим. Кетмон ушлайвери темирдай қаттиқлашиб кетган дадамнинг қўли қўлимни маҳкам ушлаб олганидан кейин қайтмасликнинг иложи ҳам йўқ эди. Китоблар дўконига бориб, дадам дўкончи опага “Шу бола ёшидагилар ўқийдиган китобларни кўрсатинг”, деб қолди. Хурсанд бўлиб кетдим. Наҳотки, ўз-ўзининг китобим бўлса, деб бошим осмонга етди. Ушанда Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” романини сотиб олдик. Кейин худди пулътга ўхшайдиган, экранни, тумалари бор ўйинчоқ ҳам олдик. Уйга қуруқ кўп билан қайтдик. Сабаби, пулимиз китоб билан ўйинчоққа етганида, холос. Аям жуда тилла аёл. Дадамни дарров тушунди. “Боламизни ўқимишга бўйсин дебсиз-да. Яхши ўйлабсиз. Ҳозирча ҳамма нарса етарли. Янаги сафар олиб келарсиз...”, деди. Лекин ушанда аям алдаганди. Чунки шу куни овқатга қартошқани қўшнимиздан олиб чиқдик. Шу зайлда, менинг биринчи шахсий китобим ҳам пайдо бўлди. Унчага қутубхонадан эртақ китоблар олганим-у, лекин бундай катта бадий китобни ҳеч ўқимагандим.

ЎЗЛАРИ ҲАҚИДА

2-синфимда 6-синф ўқувчиси Ҳошимжоннинг саргузаштлари ёзилган китобни ўқиб чиқдим. Кунига уч-тўрт бетдан ўқидим. Агар дадам уйда бўлса, ўзлари ёнига олиб ўқилишни томоша қиларди. Ушандай кунларда, ҳатто ўн бетгача ўқидим. Сўнгра дадам нимани ўқганимни қайта-дадан сўрарди. Шунда ҳозиргина овозимни чиқариб ўқганимни айтсам ҳам, барибир ёдимда қолганларини сўзлаб бериш шарт эди. Бўладиган бола бошидан, дейишад-ю, лекин ўша бола бўладиган бўлиши учун ҳам қатталарнинг хизма-

Видеоконференция

Ҳамдўстлик мамлакатларининг виртуал музейи

Минск шаҳридаги МДХ Ижроия қўмитасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг виртуал маданий мерос музейи тўғрисидаги ишчи гуруҳининг йиғилиши видеоконференция тариқибда бўлиб ўтди. Тадбирда ишчи гуруҳ аъзолари, Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари, шунингдек, МДХ Ижроия қўмитаси ходимлари иштирок этдилар.



Ишчи гуруҳ аъзолари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Виртуал маданий мероси музейи концепцияси ва уни яратиш, ривожлантириш бўйича асосий чора-тадбирлар режасини муҳокама қилдилар. Йиғилиш материаллари МДХга аъзо давлатларнинг маданий ҳамкорлик кенгаши аъзоларига юборилади. Улар ҳужжатлар лойиҳасини Кенгашнинг кейинги йиғилишида кўриб чиқишади.

Виртуал музейни яратиш ташаббуси бу йил МДХга раислик қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга тегишли. Лойиҳа мақсади – МДХга аъзо давлатлар маданий меросининг энг қизиқарли объектларини ягона тармоқ порталида намойиш этилувчи виртуал музейда бирлаштиришдир.

МДХнинг Виртуал музейи доирасида археологик ва меъморий обидаларга виртуал тематик экскурсияларни ташкил этиш. Жумладан, 3D маконда илмий жиҳатдан қайта тикланган, Ҳамдўстлик мамлакатларининг диққатга сазовор жойлари, ёдгорлик ва музейларини. Виртуал музей лойиҳа иштирокчилари бўлган давлатларга мувофиқ ташкил сазовор жойлари, ёдгорлик ва музейларини. Виртуал музей лойиҳа иштирокчилари бўлган давлатларга мувофиқ ташкил сазовор жойлари, ёдгорлик ва музейларини. Виртуал музей лойиҳа иштирокчилари бўлган давлатларга мувофиқ ташкил сазовор жойлари, ёдгорлик ва музейларини.

МДХ Виртуал музейининг унинг мазмуни асосида омаллаштириш учун кенгайтирилган ҳақиқат технологиясидан фойдаланган ҳолда ташкил экспозицияларни яратиш режалаштирилган бўлиб, улар музейнинг виртуал объектларини ҳақиқий экспозиция ёки кўргазма майдони билан боғлаб, маконни “жонлантиради”. Бундан ташқари, бундай экспозицияни осонгина қўчириш ва МДХнинг турли шаҳарларида намойиш этиш мумкин.

Виртуал музейнинг интерфейси ва тарқиб рус ҳамда МДХ мамлакатларининг давлат тилларида, шунингдек, инглиз ва бошқа тилларда ишлаб чиқишлиши режалаштирилган. Экспозицияларни шакллантиришда тил тўсқинларининг йўқлиги МДХ Виртуал музейи кенг омма учун очиклигини таъминлайди.

Онлайн дарслар

“Санъат шайдолари” учун машғулотлар



Карантин болажонларнинг ёзги таътил кунларига ҳам соя содди. Лекин онлайн дарслар, масофавий тўғарак машғулотлари ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ёрдам бермоқда.

Тошкент вилояти Пискент тумани маданият бошқармаси фаоли, 4-умумтаълим мактаби мусиқа фани ўқитувчиси Гулмира Хайдарованинг ўқувчилари онлайн дарслари, таътил даврида эса “Санъат шайдолари” деб номланган тўғарак машғулотларида қизиқиш

билан иштирок этишади. Ўқитувчининг “Мақом санъати”, “Саҳнавий мусиқа асарлари: опера, балет, мусиқали драма...”, “Шарқ тароналари”, “Дунё мусиқа маданияти нояндалари, буюк композиторлар И.С.Бах, В.Моцарт, Ф.Шопен, Л.Бетховен” каби мавзуларга бағишланган машғулотларини нафақат ўқувчилар, балки катталар ҳам зерикмай томоша қиладилар. Унинг ижросидаги куй-қўшиқлар, мақом ашулаларини, жаҳон мусиқалари намуналарини бажонидил тинг-

лашади. Айниқса, хотирани мустақамлаш машқлари: “Зийрак кўзлар ўйинлари”да фаол иштирок этишади. Катакларга яширинган машхур бастакорлар, улар яратган мусиқий асарлар, адабиёт, санъат ва маданиятимиз вакилларининг исмлари, номларини топиш уларга завқ бағишлайди.

Г. Хайдарова тўғарак машғулотларини ҳар ҳафта мунтазам олиб боришини ва янги ўқув йили бошланганида ҳам давом эттиришини таъкидлади.

Ғолиблар аниқланди

Ўзбекистонда “Ёшлар куни” муносабати билан Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган “Ёшларда маданий ҳаёт” республика фестивали ғолиблари аниқланди.

“Ёшларда маданий ҳаёт”



Фестивалда ўзига хос миллий ва замонавий мусиқаларни ўзида мужассам этган ижод маҳсуллари тадбирнинг Ишчи гуруҳига тақдим этилди. Он-лайн ташкил этилган фестивалда 1130 дан ортик ижодий ишлар Ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди. Ва уларнинг ягона хулосасига кўра, куйидаги ёш ижодкорлар фестивалнинг мутлақ ғолиблари деб топилди:

“Энг яхши Piano & Dutor battle” ижрочилиги йўналиши бўйича Самарқанд вилоятидан Умидахон Ширинбоева;
“Энг яхши бахшичилик санъатидаги Cover & DJ & Big Box”

ижрочилиги бўйича Қашқадарё вилоятидан бўлган ёш бахши Ахроржон Хушвақтов;
“Энг яхши “Ёшларда маданий ҳаёт – Cultural life among the youth” Fleshmob & Challenge” муаллифлиги бўйича Қашқадарё вилоятидан бўлган ёш истеъдод эгаси Сардорбек Пиримов;

“Энг яхши маданий ҳаёт, оқ ва қора рангда – Cultural life, in white and black” мавзусидаги фотосуратлар муаллифлиги бўйича Тошкент шаҳридан Бехзоджон Абдуҷабборовлар.

Бундан ташқари, Ҳакамлар ҳайъатининг қўшимча қарори билан фестивалда фаол иштирок этган ва ўз ижодий ишлари орқали

барчанинг эътирофига сазовор бўлган Наманган вилоятидан Улуғбек Қосимов, Тошкент шаҳридан Маъруфжон Ҳасанов, Қорақалпоғистон Республикасидан Бердах Мирманов, Тошкент шаҳридан Мухаммад Эгамбердиев ва Самарқанд вилоятидан Бобиржон Собировлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг махсус фахрий ёрлиги билан тақдирланишди.

Эслагиб ўтамир: фестиваль ғолиблари тўрт миллион сўм пул

мукофоти, ғолиблик статуеткаси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг махсус дипломи билан тақдирланишди.

Шунингдек, уларга юртимизнинг таниқли маданият ва санъат ходими билан бир марталик дуэт ҳамда ижодий иш яратиш имконияти берилди.

Маълумот учун: ғолибларни тақдирлаш ва уларга совринларни етказиш бўйича Маданият вазирлигининг Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси томонидан қўшимча хабарлар маълум қилинади.

Кўзгудаги ўзимиз

Миллийликни асраш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир

Ўзбек қизларига калта-култа юбка ярашадими?

Йигитларимизга куёвда ранги униқиб, охори кетган шимларни қуйиб?

Шахсан мен бутунги кунда кўча-кўйда гўёки хўрозларга тақлид қилгандек соч тўрмакли йигитларни, атайлаб шимнинг қаерларинидир қирқиб олиб, камига офтобга 5-6 кун қўйиб, рангини сарғайтирган қизларни кўриб ачинаман.

Юртимиз аҳолиси ўртасида авж олиб бораётган, қўштирноқ ичидаги ушбу “юқумли эпидемия” кундан кунга оммалашмоқда. Бу борадаги “Замон ўзгаряпти, биз эскича яшамаймиз, чет элдан нима кам жойимиз бор?” каби ўринсиз, керак бўлса, бемаъни гаплар одамнинг гашини келтиради. Ха тўғри, давр шиддат билан ўзгаряпти, аммо бу миллийликдан воз кечиш, аллақайси халқларнинг турмуш тарзи ва кийинишига тақлид қилиш керак дегани эмас-ку. Менимча, бундай нотўғри қарашлар интернет деган “бало”дан ноўрин фойдаланиш ҳамда ундан кўр-кўрона андоза олиш туфайли келиб чиқди.

Ёшларни ёш деймиз-у, аммо 30-40 дан ошган аёлу эркекларнинг ҳам алламбало кийингани ҳамда ўзини тутшини кўрганнингда

ёқа ушлайсан, киши. Шунда беихтиёр уларга савол бергинг келади: “Сиз фарзандингизга ўрнак бўлиш ўрнига, нимани тарғиб қилаясиз? Ёки шу йўсинда фарзанд тарбия қилаясизми? Асло унутмангки, бола ота-онага эргашади. Полапон уясида кўрганини қилади, сайраганини сайрайди!”

Агар билсангиз, халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфияхонимнинг кийиниш одо-бига бутун жаҳон тан берган. Шоирамизнинг миллий кийимларда тушган суратларига ҳавас билан қараймиз. Билишимча, у киши хориждаги анжуманларда ҳам кўпинча ўзбек либосларини кийган ҳолда иштирок этган. Тўғрида, чет эл сафарларида атлас, адрас матоларимиздан тикилган либосларда чиқсак бизни ўзбек деб танишади. Хориждаги турли тадбирларда миллий либосимизда қатнашган қизлардан эшитганман: қайси мамлакатда бўлмасин, у ерликлар юртдошларимиз кийимларига шунчалик қизиқишадики, гоҳида бирга суратга тушиш учун гала-гала одамлар навбат куттишади. Демак, биргина шу кўринишимиз орқали Ватанимизни ҳам жаҳонга танитар эканмиз. Энг муҳими ҳам шунда! Ахир, бу ҳар биримизда фахр ҳиссини ўйотмайдимми?!

Ҳа, ўзбек халқининг миллий либослари-

ни дунё билади. Ҳатто ранго ранг кийимларимизни, дўпчиларимизни юртимизга келганлар энг антиқа совға сифатида олиб кетишади ҳам. Биз ўзимиз-чи, улардан нима камимиз бор деб йиртиқ-ямоқ кийимда юрамиз. Кийиниш уёқда тура-турсин, ўйламай-нетмай айтаётган гапларимиз, бетамиз қилиқларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, инсонларга бўлган муносабатимиз кундан-кунга қўштирноқ ичида гуллаб яшнамаяптимикиан?

Тўғри, юқоридаги фикрларни айтиш менинг ёшимга мос эмасдир. Чунки ҳали мактаб ўқувчисиман. Аммо миллий кадриятларимизга бефарқ эмасман. Агар ушбу танқидларим тўғри қабул қилинса, кимлардадир миллий кийиниш маданиятига ҳурматини оширишга озгина бўлса-да, туртки берса, жуда-жуда хурсанд бўлар эдим.

Тенгдошларимга, ёшларга айтадиган сўзим шунки, момоларимиз ва боболаримизнинг анъаналарини авлоддан авлодга ўтказиш сизу бизнинг зиммамиздаги масъулиятли бурчдир. Керак бўлса, ушбу вазифани тўла-тўқис адо этиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Нигора ОРИФЖОНОВА, Гулистон шаҳридаги 5-мактаб ўқувчиси



Мозийдан садо

Музейда
яна бир
экспонат



Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри қадим Оҳангарон воҳасининг тоғли худудда бунёд бўлган шаҳар. Яқин йилларда 80 ёши нишонланадиган маъданларга бой бу шаҳар аслида бағрида неча-неча асрлар сирини сақлаб келаётган муқаддас заминда жойлашган. Яқинда шаҳарнинг Оппартақ маҳалласидаги хонадонлардан бирида қадимий кўза топилди.

Маҳалла раиси Жумабой Худойбековнинг айтишича, бу тарихий ёдгорлик Қайрағоч кўчаси, 61-хонадон соҳиби Ғиёбек Маматнозимовнинг уй қуриш мақсадидаги қовлаш ишлари жараёнида топилган.

Вилоят маданий мерос департаменти раҳбари М.Исроилов, шаҳар тарихи музейи директори М.Бекмуродова ҳамда музей ходимлари томонидан олиб борилган тек-

ширув натижаларига кўра, топилма ёрға асрларнинг сўнгги даврларига оид. Бу қадимий ёдгорлик хонадон соҳиблари томонидан шаҳар тарихи музейига топширилди. Дарвоқе, бу кутлуг хонадонда қарийб 100 ёшнинг юзини кўрган табаррук онахон яшайди. Унинг қимматбаҳо хотиралари ҳам ёзиб олинди, шаҳар ёшлари учун ибрат сифатида сақланадиган бўлди.

«Tiyatro»

Ўзбек театри Туркия нашрларида

Туркиянинг «Tiyatro» газетасида «Ўзбек театрининг дунёга келишига бир назар» мавзусида мақола чоп этилди.

Унда замонавий Ўзбек театрининг шаклланиш тарихидан тортиб бугунги кунгача бошланган йўли, эришган ютуқлари ҳикоя қилинган.

Айниқса, Қашқадарё вилоят театрининг истиқболлари ҳамда мустақиллик йилларида театр санъати янада раванқ топагани ҳақидаги теран фикр-мулоҳазаларни ўқишингиз мумкин. Мақола турк ва ўзбек тилларида чоп этилган.



«Умрбоқий наволар»



Ғолиблар аниқланди


Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган «Умрбоқий наволар» қадимий қолғу ижрочилари учун онлайн республика кўрик-танлови ғолиблари аниқланди.

Миллий кадрларимизни тараннум этувчи қадимий қолғу ижрочилари ўз ижод маҳсулларини кўрик-танловнинг ишчи гуруҳига тақдим этишди. Онлайн ташкил этилган танловда 335 дан ортиқ ижодий ишлар Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўриб чиқилди. Уларнинг ягона хулосасига кўра, қуйидаги ёш ижодкорлар кўрик-танловнинг мутлақ ғолиблари деб топилди:



«Энг яхши Чанқовуз ва Дўмбира ижрочилиги» йўналишида «Чанқовуз» бўйича Тошкент вилоятидан Муроджон Алиев, «Дўмбира» ижрочилигида Сурхондарё вилоятидан Аслиддин Раифов;
«Энг яхши Қўшнаё ва Ғажрнай ижрочилиги» йўналишида «Қўшнаё» бўйича Фарғона вилоятидан Абдулатиф Деҳқонов, «Ғажрнай» ижрочилигида Сурхондарё вилоятидан Аббор Умаров;

Тақдимот



Илк моно-спектакль

Фарғона вилоят кўғирчоқ театри Ганс Христиан Андерсеннинг «Оле-Лукойе эртақлари» номли моно-спектакль тақдимотини ўтказди.

Мазкур асар И.Якубов инсценировкаси, А.Исмоилов таржимаси асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулло Ходжаев томонидан саҳналаштирилди.

Эртақчи Оле-Лукойе ролини кўғирчоқ театри актёри Нодирбек Аъзамов моҳирона ижро этди.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бу Фарғона вилоят кўғирчоқ театри тарихида илк бора саҳналаштирилган моно-спектаклди. Бундай муваффақият билан театр жамоасини табриклаймиз.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Ўлмас наволар куйчиси

Композитор сифатида ҳам дostonчилик меросидан унумли фойдаланиб, Султон Хайитбоев билан «Сўнгги хон», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Азиз ва Санам» мусикали драмаларини композитор А.Степанов ҳамкорлигида яратган.

Комилжон Отаниёзов ўзбек мусика санъатида улкан бир мактаб яратган устозлардан. Ўзбекистон халқ артистлари Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Олмахон Хайитова, Ортиқ Отажонов, Гавҳар Матёқубова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шариф Султонов, Бекжон Отажонов, Гулсара Екубова ва жуда кўп таниқли санъаткорлар устоз мактабидан катта санъатга йўланма олган. Ўзбекистон халқ ҳофиз Фарҳод Давлатов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Курбоновлар устоз мактабидан катта санъатга йўланма олган.

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Урганч шаҳрида Комилжон Отаниёзов боғи ва ижод маркази ташкил қилинди. Ижод марказида тахсил олаётган ёшларни кўриб кўнгил қувнади.

Комилжон Отаниёзовнинг ижоди ва



фаолияти, у ижро этган дoston, куйлари ва кўшиқлари, мақом намуналари, суворалари, бастакорлик фаолияти барҳаётдир. У бахшичилик, созандалик, бастакорлик, хонандалик, мусиканинг мақом, сувора, халфа каби йўналишларини мукаммал эгаллаб, уни томошабинларга катта маҳорат билан тақдим эта олган. У биргина тор билан моҳир овозда, энг баланд мусиқий пардаларда, жовли ижрода мухлисларни маҳлиё этган санъаткордир. У таш-

кил этган «Лазги» ашула ва рақс ансамбли бугунги кунда халқимизнинг сеvimли бадийи жамоаларидан саналади. Йиллар ўтса ҳамки, санъаткорнинг кўшиқлари, ўлмас мероси ҳамон шогирдлари, мухлислари эътиборида, ардоғида. Бу жўшқин, баъзан эса маҳзун кўшиқлар, наинки, ўзбекистонликлар, балки хорижий санъат мухлислари томонидан ҳам ҳозиргача сеvim тингланади.

Комилжон Отаниёзов ижоди ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Сўзимни Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Эркин Воҳидовнинг Комилжон Отаниёзов ҳужжатли фильмида келтирилган машҳур мисралари билан тугаллашни маъқул топдим.

Санъатга бахш умрнинг сўнгсиз мўъжизаси бор,

У дунёни тарқ этса, ундан дунё қолади.

Инсон умри сарҳадли, кўшиқ умри пойдор,

Новосоз юраклардан ўлмас наво қолади.

Дарҳақиқат, Комилжон Отаниёзовдан ўлмас наволар қолди.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби



«Энг яхши Дутор ва Танбур ижрочилиги» йўналишида «Дутор» бўйича Тошкент вилоятидан Нодира Норинбоева, Бухоро вилоятидан Отажон Акрамов, «Танбур» ижрочилигида Самарқанд вилоятидан Муҳиддин Тўрақулов, Андижон вилоятидан Саидмақал Нумонов ҳамда Мавжудахон Обиджоновлар;

«Энг яхши Қўбиз ва Сибизга ижрочилиги» йўналишида «Қўбиз» бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан Адилбек Бахтибоев, «Сибизга» ижрочилигида Қашқадарё вилоятидан Элдор Турсуновлар эълон қилинди.

Бундан ташқари, Ҳакамлар ҳайъатининг қўшимча қарори билан кўрик-танловда фаол иштирок этган ва ўз ижодий ишлари билан эътирофга сазовор бўлган Сурхондарё вилоятидан Абдурахмон Абдиназаров, Сурхондарё вилоятидан Элдор Турсунов, Қашқадарё вилоятидан Самандар Гулбоев, Сурхондарё вилоятидан Қаҳрамон Рашидов, Наманган вилоятидан Аббор Муҳиддинов, Хоразм вилоятидан Умиджон Ҳалиллаев, Самарқанд вилоятидан Жавоҳир Абдурашидов, Фарғона вилоятидан Шерали Рўзиев, Самарқанд вилоятидан Маржона Тошова Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг махсус фахрий ёрлиғи билан тақдирланиши.

Эслатиб ўтаамиз: кўрик-танлов ғолиблари статуетка ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг махсус дипломи билан тақдирланиши.

Маълумот учун: ғолибларни тақдирлаш ва уларга совринларни етказиш бўйича Маданият вазирлигининг Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси томонидан қўшимча маълумотлар маълум қилинади.

Онлайн мулоқот

Илмий ҳамкорлик



20 июль куни Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Татаристон Республикасининг Булгор ислом академияси олимлари ўртасида онлайн мулоқот бўлиб ўтди.

Марказ матбуот хизматининг хабарига кўра, суҳбат чоғида Ўзбекистондаги талаба ёшларни Булгор ислом академияси магистратура ва докторантура босқичига жалб қилиш, илмий ходимлар ва талабаларнинг икки томонлама малака ошири-

шини йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот ишларини ҳамкорликда амалга ошириш масалалари муҳокама этилган. Шунингдек, марказ профессор ва докторларини Булгор ислом академияси илмий кенгаши таркибига киритиш ҳамда докторант ва магистрантларга илмий раҳбарликка тайинлаш, Мовароуннаҳр алломаларининг ҳаёти ва илмий меросига доир онлайн семинар ҳамда конференциялар ташкил қилиш, томонлар илмий журналларида мақолалар


алмашиш бўйича ҳам келишувларга эришилган.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан 2021 йилдан эътиборан таъсис этилиши режалаштирилётган «Имом Бухорий халқаро стипендияси»га академия тадқиқотчиларини жалб қилиш ва марказ илмий ходимларининг академия талабаларига махорат дарсларни ўтиши ҳамда маърузалар ўқиши юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилган.

Бурч

Ўқитувчи – эртанги кун муҳандиси

Барчамизга маълумки, кунчиқар ўлка – Япония бугун энг ривожланган давлатлардан бири. Иккинчи жаҳон урушида АҚШ томонидан ташланган атом бомбаси Нагасаки ва Хиросима шаҳарларини ер билан битта қилган. Айтишларича, орадан шунча йил ўтса ҳам, мазкур ҳудудларда бирорта гиеҳ ўсмасмиш. Уша пайтдаги мутахассислар тахминича, бу зарба Япония тараққиётини бир неча 10 йилга ортга суриб юбориши керак эди. Бироқ ундай бўлмади. Кунчиқар мамлакат қисқа вақт ичида ақл бовар қилмас даражада тез ривожланди ва тараққий этди. Саноти, илм-фани ривож топди. Дунёнинг кўпгина давлатлари ундан ўрнак ола бошлади.



Ҳукуматнинг муҳим шахсларидан бирига, “Япония қандай қилиб бу поғонага чиқа олди?” деган савол берилганида, у “Биз жамиятда ўқитувчилар макени оширдик” дея жавоб берган экан. Бу сўзларни таҳлил қилиб кўрсак, давлат бойлиги унинг қони, моддий ва маданий топилимларида эмас, балки ўсиб келаятган авлоддадир деган тушунча ҳосил бўлади. Демак, руҳи соғлом, Она тупроғини юксак эъозлайдиган авлод ҳар қандай маъданан баледа турар экан.

Бу ўринда ўқитувчи ким дейсизми? У асосий бўғиндир. Устознинг таълимоти, кенг дунёқароши ҳамда юртга садоқати, ўз касбига фидойилиги келгуси авлодни тарбиялашда муҳим асосдир. Улар сабогини олиб ўлғаядиган миллат “қурувчилари” эса юрт устунини янада мустаҳкамлайди. Бунга таъриф берадиган бўлсак, ўқитувчи ана шу бую муҳандисдир.

Хабарингиз бор, японларда олиий ирқ тушунчаси кучли ривожланган. Улар ўз миллатини юксак қадрлаб, содиқлигини доим исботлаб келишган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Японияни энг ривожланган давлатлар қаторида кўраётгандирмиз.

Бола руҳияти оқ қозога ўхшайди. У ҳар қандай сўз билан тўлиши мумкин, лекин қиймати қанча тез тўлиши ёки кўп сўз сийғишида эмас, балки қанчалик чиройли хусниҳат билан ёзилганидадир. Сўзимизни мантиқан очиклайдиган бўлсак, бугунги ўқитувчи бола онгига фақат мактаб дарсликларини эмас, балки миллий руҳини ҳам сингдириши, ўз миллатига бўлган меҳрни ошириши, юртга бўлган содиқлик ҳиссини тарбиялашда жонбозлик кўрсатиши лозим.

Мамлакатимизда ўқитувчи шахсига бўлган эътиборни кувайтириш бора-бора олиб борилаётган ишлар бугун устозлар елкасига янада масъулият юкланаётганини кўрсатмоқда. Чунки бола мактабга шунчаки ўйин-кулги учун келмайди. У дунёни таниши, ўз саволларига жавоб олиши керак. Шунингдек, қайси юртда ва қандай миллат бағрида ўлғаяётганини англаши даркор.

Аслида бу борада тўғилмайдиган саволларга шунчаки жўн жавоб берса ҳам бўлади. Лекин ўқитувчи мазкур тушунчаларни гўдак қалбига етказиши зарур. Шунда бу таърифлар у улғайиб камолга етганида ҳам онгига бўлади ва унутилмайди.

Масалан, китобдаги ватанни мадҳ этувчи шеърни жажжи ўқувчи шунчаки ўқини ёки ёдлаши мумкин. Агар йиллар ўтиб ундан Ватан тўғриси ҳақида сўрасангиз, ёдлаган мисраларини шариллатиб айтиб беради. Яъни у Ватани қофияга солинган сўзларда деб ўйлайди. Маънавиятини ва юртга содиқ ўқитувчи эса бу ўринда бошқача йўл тутайди. У китобдаги байтларни шунчаки ёдлашга бермай, бутун синфда овоз чиқариб шундай ўқийдики, эшитган бола Она юртга севиғи сўзда эмас, қалбда бўлиши кераклигини англайди. У ўсиб улғайганида ҳам буни ёддан чиқармайди, қалбда асрайди, кўксидаги муҳаббат эса янада улканлашиб боради.

Ёш авлод мамлакатимиз келажаги деб кўп айтамыз, бироқ уларни тўғри тарбиялаш, таълим бериш, масъулиятли шахс қилиб вояга етказишда биз ўқитувчиларнинг фидойи меҳнати керак. Мактабга сумка кўтариб, чексиз орзулар билан келган очик кўзли фарзандларимизни юксак илм, Ватанга чексиз меҳри қилиб тарбиялашимиз лозим. Шундангина биз ўз олдимизда турган бурчини бажарган ҳисобланамиз ва она Ватан ҳам биздан рози бўлади.

Манзура ХУДАЙБЕРТАНОВА, ўқитувчи

Вақт



Бугун бувимга, яқинларимга кўнгирак қилиб кўнгли сўрайман. Бугун фарзандларимга эртанг айтиб берман. Бугун турмуш ўртоғимга кичик совға ҳадея қиламан. Бугун ўзгача дастур-хон безайман.

Ҳаёт манзараси

Бу Маҳфузанин бугунги режаси эди. Бир-биримиздан узоқлашиб кетаётган ва вақтим йўқ дейдиган бир пайтда Маҳфуза шуларни бажараман деб аҳд қилди. Аслида у бундай режаларни ҳар куни тузар, бироқ негадир у-бу ташвишларни деб ўйлаганлари қолди кетарди. Аммо бугун режаларини уй юмушларидан устун тутишга ҳаракат қилди. Барвақт туриб, қилмоқчи бўлганларидан мамнун ҳолда ишга киришди. Нонушта ҳозирлади, болаларини, турмуш ўртоғини уйғотиб, чойга чорлади. Кейин фарзандларини тезроқ кийинтириб, боғчага олиб боришга шопилди.

– Бугун Малак боғчага бормагани маълумки?
Эрининг бу гапидан кечаси қизи тишлари чиқаётгани сабаб озгина иситма қилганини эслади. Аҳволи ёмон бўлмаса-да, инжиқлиги бор. Маҳфуза иккиланиб қолди, қизчаси ўзи ювошгина, ҳар нарсага йиғлаб, хуноб этмайди, бирор оғриқ безовта қилмаса, индамай ўйнаб юраредди.

– Билмадим, дориларини бериб турса, боргани яхшими?..
Сўнгра Маҳфуза эрига бирор нима бўлса, қизини боғчадан олиб кетишини айтди. Болаларини боғчага қўйиб, ишга шошиларкан, бир зум атрофга, куз манзарасига разм солди. Ҳаммаёқда ҳазон барглари: қизғиш, сарғиш, жигарранг, тўқилаётган ҳар бир япроқнинг ўзига хос ранги бор, баъзилари ҳали ҳам ям-яшил.

Маҳфуза куз тароватини дилдан ҳис этаркан, ўзида ажиб бир мамнуликни туйди. Ёқимли салқин шамол, қуёш тафти камайган, осмондаги бир парча қора бўлут ёмғир ёғишидан дарак бериб турарди. Бу гўзал, мафтункор табият манзараси кўнглидаги режаларини амалга оширишга чоғланган Маҳфузага куч бахш этди. Лекин у яқинларига эрталабдан кўнгирак қилишини маълум қўрмади. Ҳозир ҳаммаси ишга шошилаётган пайт, яхшиши, кечга томон қиларман, деган ўйда ишхонаси томон юриб кетди.

Энди ишга киришган Маҳфузанин бирдан қўл телефони жиринглаб қолди. У телефон экранига боғча тарбиячисининг рақамини кўриб хушёр тортиди.
– Яхшимибиз, ойиси, Малак еганини қайт қилди, болалар билан ҳам қўшилмай ўтирибди.

Унинг бу гапидан қизини олиб кетиши кераклигини тушунди.

– Иситма ҳам қилдимми? – У қизини боғчага берганидан афсусланди.

– Йўқ, исиги чиқмади. Ойиси, ҳозир янги болалар келган, қараш қийин, ўзингиз биласиз, қизингиз тушлик пайти ҳам қайт қилиб қолса, шунга бугунча олиб кетганингиз яхши эди.

Маҳфуза ҳозирок етиб боришини айтиб, наилоҳ нарсаларини йиғиштирди. Ишхонада ҳам бир талай чала қолган ишлари бор эди, уларни олиб кетганидан бўлди. Қизини боғчадан олғач, тундлашаётган ҳаво эътиборини тортиди. Ёмғир ёмоқчиға ўхшайди,

салқин шамол иси унга ёқимли туюлди, дарахлардан чирт узилаётган барглар унга бугунги кунга мўлжаллаган режаларини эслади. Ҳаммаси ёдида, унутгани йўқ, ҳозир уйига боғча, қизига дориларини беради, қарайди, кейин эзгу ниятини амалга оширишга киришади. Улар Малак билан кўчада бироз сайр қилишди. Биргаликда қизнинг гўзаллиги ҳақида суҳбатлашишди. Ҳар хил барглardan териб, улардан нималардир ясаши, хуллас, қизининг кўнглини кўтариб, кайфиятини чошлади. Бу орада турмуш ўртоғи кўнгирак қилиб, меҳмон келишини айтиб қолди. Демак, уйлари саранжомлаб, дастурхон тадоригини кўриб қўйиши керак.

Уйга етиб келгач, ҳаммаёқни кўздан кечирди, кўнгли тўлмagan жойларни тартибга келтирди, кейин яхшироқ таом тайёрлашга киришди. Бу орада ўглини боғчадан олиб келди, овқатлантирди, қизининг аҳволидан кўз-қулоқ бўлиб турди. Хуллас, уй юмушлари, чеки йўқ кундалик ташвишлар билан овора бўлиб, куни қандай ўтаётганини билмай қолди. Бир неча марта яқинларига кўнгирак қилиб, кўнгли сўрашга чоғланди, лекин ҳар гал уни нимадир чалғитди.

– Кечирасиз, қўшни, болаларим бирпас сизларникида ўтириб турса, майлими, почта келган экан, югуриб бориб олайди. Уларни ёлғиз қолдиришга қўрқаман.

Қўшнининг бу илтимосини рад этолмаган Маҳфуза бир еқдан қизининг инжиқлиги тутиб “кўчага чиқаман” деб хархаша қилиши, бир еқдан қўшни болалар билан ўглининг ўйинчоқлар устида тортишуви, шунинг устига меҳмонлар келиб қолди, уларни кўнглидагидек кутиш ўртасида чопиб, яна режаларидан чалғиди. Хуллас, беш ўн дақиқани ҳаёт ундан қизондими ёки ўзи уддасидан чиқолмадими, ўйлаганлари чип-пакка қилди.

Меҳмонларни кузатиб, уйлари саранжомлагунича ўгли тўполоқ қила-қила, қизи эса кун бўйи мадори бўлмай ухлаб қолди. Эртанг айтиб беришга ҳам улгурмади.

Маҳфуза бугунги кунига назар солди. Ҳа, у ҳаётини мукамал қуришга ҳаракат қилаётган аёл эди. Яъни болаларига эътиборли она, ерига гамхўр рафиқа, ота-онасига меҳрибон фарзанд, яқинларига оқибатли жигар, ишда ҳақмага намунали ходима бўлишга, бирок...

Кундалик ташвишлардан хориб, ётиш-

га чоғланган Маҳфуза деразани секин очиб, ташқарига назар ташлади. Соқин оқшом, шивалаб ёғаятган ёмғир помчилари, салқин ҳаво, дарахт майсаларнинг ёқимли ифори ҳаёлларини теранлаштирди. Кун бўйи тундлашган осмон кечга бориб кўз ёшларини оқизаётган эди. Гўёки кун давомида дили хун бўлган инсон хафаконликни кўтаролмай кўз ёш тўқаётгандек. Лекин Маҳфуза барибир ранжимади. У тугал ҳаёт сари қўйилган қадамини яна давом эттиришга ҳаракат қилади. Совуқ томчилар, салқин шамол унга шу қадар хузур бағишладикки, ҳаётга муҳаббати янада ошди. Эртанги кун борлигини ўйлаб хотиржам тортиди. Аммо эртанга ҳам нимадир тўсиқ бўлиб, эзгу ниятини яна амалга оширолмасачи? Ушандагина Маҳфуза хатосини англагандек бўлди. Бугун ҳам режалаштирганларини қилиши мумкин эди, меҳмонларни бироз ёлғизлатиб, бирор яқинларига кўнгирак қилса бўларди ёки уй юмушларини сал кейинга қолдириб, фарзандлари ухлар чоғи эртанг айтса... Турмуш ўртоғига ҳам бир оғиз ширин сўзни маъридини кутмай ҳадея этса нима бўларди? Шуларни ҳаёлидан ўтказар экан, ташқаридagi кузги совуқ томчилар унга тобора хатоларини англаётгандек туюлди. Узини таҳлил қилар экан, ҳаёт бизга ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслик кераклигини тушунди. Баъзан қайсидаир ишларга қаттиқ туриб, айримларига сал бепарқ қараш лозимлигини англади. Ўз вақтини шу тариха бошқарса, ҳаммасини уудлаши мумкинлигини тушундиб эди.

Бугунги ташвишлардан, ўй-хаёллардан толиққан Маҳфуза инсон ўйлаган ниятини ҳар қандай ҳолатда ҳам амалга ошириши мумкинлигини кўнгли тўлди. Ҳар куни бирор нарса моҳиятини англаш одамда мамнулик ҳиссини уйғотди. Маҳфуза хотиржам уйкуга чоғланаркан, деразани ёпиш олдидан ёмғир томчилари билан мусаффолашган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди, гўёки ўй-хаёлларига теранлик, аниқлик бахш этган бу манзара яшашни англашган ҳаёт манзараси эди. Унинг тили шу сатрларни такрорлади:

Ҳаёт бизларни этмасдан адо,
Табиатдан келар ажиб бир садо.
Сен шундай яшагин, вақтга ҳоким бўл,
Йўқса, ачинмагин, унга бўлсанг кўл!
Мадина ЭШМУРДОВА

Хотира

Қахрамонлари
билан бирга
яшадик



Абдурайим Абдуваҳобовни ўзбек халқи ўз ўғли, ўз актёридек қабул қилди. Унинг ижро этган роллари кўнглимизга яқин бўлгани учун ҳар бирига алоҳида меҳр кўйдик, ҳар сафар томоша қилганимизда қахрамонлари билан бирга яшадик: кулса, қулдик, йиғласа, йиғладик...

Барчамизга аён, инсон энг қимматли нарсасини йўқотгандагина, унинг қадри

қанчалар баянд бўлганини тушуниб етади. Тан оламизми-йўқми, лекин — бу ҳақиқат. Шу кунларда нафақат биз санъат ахли, балки бутун халқ ҳаммамиз учун қадри бўлган чин инсонни, асл ўзбек актёрини йўқотганимизни англадик.



Телевидение, радио, матбуот, сайтлар, ижтимоий тармоқлар ҳамон уни хотирлашдан тўхтамапти. Чунки у бунга му-

носиб кўрилди. Тошкентнинг Чилонзор тумани Гагарин кўчасида номаълум расом қаламга мансуб "Шум бола" фильми бош қахрамони граффитисининг пайдо бўлиши ҳам бунга бир мисолдир. Ушбу кўча асари таниқли актёр Абдурайим Абдуваҳобов хотирасига бағишланган.

Ноёб икитдор экзис бетақор роллари билан ўзини абадиётга муҳрлай олди.

Тарихий маданият

Қадимий тамаддун жилолари



Давлатимиз раҳбарининг тарихий-маданий, археология мероси объектларини муҳофаза қилиш борасидаги кўрсатмалари доирасида Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти муассасасида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Яқинда чоп этилган муассаса раиси, "Дўстлик" ордени нишондори Зарифа Эшмирзаеванинг "Шош ва Илок йўлларида" номли китобида пойтахт вилоятидаги қадамжолар ва зиёратгоҳлар, уларга ҳо бўлган тарихий маданиятимиз, давлатчилик, маънавий, маданий меросимиз, уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш жараёнида фаол иштирок этган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

"Бизга Ваган бўлган она Ўзбекистон қадим тамаддунлар маскани. Бу муқаддас заминда ота-боболаримиз макон қурган. Шаҳару кентлар бунёд этишган, — дейди китоб сўзбошида Халқаро "Олтин мерос" Хайрия жамоат фонди раиси Амиркул Каримов. — Тафаккур қудрати билан... бугун бизга тақдир этилган беназир тамаддунни яратишда улкан ҳисса қўшишган... "Олтин мерос" фонди боболаримиздан омонат бу жавҳарларни излаб топши, авайлаб-асраш, мамлакатимизда ва чет элларда тарғиб қилишдек эзгу мақсадда фаолият юритади..."

Шу мақсадни кўзлаган китоб муаллифи ҳам қарийб 40 йиллик меҳнат фаолиятининг 20 йилини Тошкент вилоятининг тарихий ёдгорликлари, қадамжолари, зиёратгоҳларини ўрганиш, имкон даражасида ободонлаштириш, муҳофаза қилишдек хайрли ишга бағишлади. Ва йиллар мобайнида ўрганилган тарихий ма-

даниятимиз ҳақидаги маълумотларни йиғиб, китоб ҳолига келтирди. Ушбу рисоланинг яратилиши, аҳамияти ҳақида фикр билдирган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор Ю.Ф.Бураков жумладан шундай дейди: "Тошкент воҳаси Марказий Осиё халқларининг савдо-иқтисодий ва маданий этник ҳаракатлари чорраҳасида қулай ўринга эга бўлган... Чоч замани ўзига хос хазина бўлиб, унда воҳа тарихининг олтин мероси сақланади... Археологик объектлар ўтмиш синоатлари мужассамлашган манбаларнинг йирик қисмини ташкил этади... Уларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва натижаларини чоп этиш Чоч тарихида йилдан-йилга янги саҳифалар очиш имкониятини бермоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бизнинг Зарифахоним билан бирга Тошкент вилоятининг тарихий бойлиқларини асраб-авайлаш йўлида кечган ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимизга таяниб ишонч билан айта оламаники, ушбу китоб муаллифи ўз зиммасига олган масъула билан, аммо хайрли иш тарихининг ўзгача жиҳатларини очиб беради..."

Бу ўринда муаллифининг вилоятдаги ҳар бир зиёратгоҳ, қадамжолар ва археологик ёдгорликлар ҳақидаги маълумотларни қизиқарли афсона ҳамда ривоятлар ёрдамида янада ҳозирбаҳор қилиб сўзлаб бериш қобилиятига алоҳида урғу берилган. Қайсики, уларда халқимиз ўтмиши, тарихи, маданияти ва яшаш тарзи, урф-одатларига бўлган ҳурмат, меҳр-муҳаббат сезилиб туради. Ўз навбатида бу каби ҳикоялар тингловчиларда ажодлари билан фахрларини ҳиссини тарбиялайди, инсоний фазилатларга, эзгу туйғуларга ошно этади. Шу жиҳатдан баъзи ўринларда бадиий тўқималар, ерли аҳолининг фикрлари ва шахсий мулоҳазаларидаги бўрттиришлар китобхонда ўзига хос таассурот қолдиради, тарихий манзилларга бориш, ёдгорликларни

кўриш, қадамжоларни зиёрат қилиш иштиёқини уйғотади. Жумладан, рисоладан ўрин олган "Арашонбобо тилсимотлари" ҳикоясидаги ушбу сатрлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди: "Мазкур кенгликларда бир йилда бир вақтнинг ўзида тўрт мавсум ва тўрт фаслнинг шоҳиди бўласиз. Эртшо орқали юриб, Арашонбобога олиб борадиган ягона йўлга яқинлашсангиз, бу ерда ёз ҳукмрон. Хулудга киришингиз билан момақаймоқ ва лолақизгалдоқларга ғарқ бўлиб ётган фасллар келинчаги баҳор кутиб олади. Арашонбобо қабридан юқорига қараб юрилса, қуз шамолига дуч келинади ва бу ердаги тошлар ҳам мўйсафидларни эста солади. Тулпорқўлдан тепароқдаги ялангликлар эса оппоқ қорға бурканган. Бу ердаги сокинликни ҳеч нарса бўзасиз..."

Қисқаси вилоятимиздаги ҳар бир туман ёки шаҳарларидаги тарихий ёдгорликлар ҳақида кенг маълумот берадиган ушбу китоб академик Ю.Бураков таъкидлаганидек, халқ маданияти тарихини ўрганиш билан шугулланувчи мутахассислар, шунингдек, этнограф ва тарихчилар учун ҳам қизиқарли бўлиб, фаолиятлари давомида манба сифатида асқатиши мумкин. Энг муҳими эса у туризмни ташкил этувчилар учун Чоч, яъни Тошкент вилояти кенгликлари бўйлаб янги ноанъанавий саёҳатлар йўналишларини тузишда муҳим ва зарур ёрдам бўлиши шубҳасиз..."

Қолаверса, сифатли қоғоз, дид билан безатилган саҳифалар ва тарихий ёдгорликларнинг ёрқин рангларидаги расмлари, вилоят тарихи, археологик қазилмаларини ўрганишга ҳаётини бағишлаган олимларнинг суратлари, шунингдек, Ўзбекистон бадиий академияси аъзоси, мусаввир Муҳаммадхон Фозилий ижодига доир иллюстрациялар китобхонларда ўзгача завқ, ҳавасу хайрат уйғотиши аниқ.

С.ЭШМАТОВА

Эътибор



Мақомни дунёга танитамиз

Халқимиз азал-азалдан ўз миллийлигини, урф-одат ва анъаналарини ҳамisha қадрлаб келган. Бизнинг асл меросимиз саналган дурдона мақомларимиз ҳам ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетақор бадиий услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим рол ўйнайди. Неча асрлар оша буюк шоиру олимлар, моҳир бастакорлар, созанда ва ҳофизларнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, ижодий изланишлари ҳамда тафаккури билан сайқаланиб келаётган ушбу ноёб санъатимиз гултожи саналган "Шашмақом" нафақат юртимиз ва шарқ мамлакатларида, балки бутун дунёда катта шухрат ва юксак эътиборга сазовор. Аввало, мақомни тинглаш ва ўрганиш учун соф ва тоза қалб, гўзал хис-туйғулар ва қайсидир маънода "чиройли дард" керак. Шундагина тингловчи мақомнинг асли моҳиятини, унинг сир-синоатини тушуна олади. Уни ўрганиш ва ижро этиш учун эса шулар баробарида самарали меҳнат даркор.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳар соҳада катта ташаббус ва имкониятларни олдимизга қўйди. Хусусан, мақом санъати ҳам юртбошимиз эътиборидан четда қолмади. 2017 йил 17 ноябрда давлат раҳбарининг "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига қўра, ушбу соҳага катта ўзгаришлар киритилди. Жумладан, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда намунали мақом ансамбллари ташкил этилди, мусиқа ва санъат мактабларида мақом дарслари чуқур ўргатиладиган бўлди. Айниқса, бизни қувонтиргани, алоҳида истеъдод талаб этиладиган олийгоҳларда, жумладан, Консерваториямизда ҳам кириш имтиҳонлари фақат ўз ихтисослик фанларимиздан олинандиган бўлгандир. Бу юксак истеъдод эгаларининг талабалик бахтига эришишида янада энгиллик беради. Шунингдек, ҳар икки йилда бир марта Шахрисабз шаҳрида Халқаро мақом анжумани ўтказилиши йўлга қўйилди. Қолаверса, ҳозирги кунда юртимизда фаолият олиб бораётган Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли, ҳудудлардаги мақом жамоалари, Ўзбекистон давлат консерваториясининг махсус кафедраларида соҳага оид илмий изланишлар олиб борилаётганини ҳам қайд этиш жоиз.

Мана шу каби ташаббуслар қаторида бизни яна бир янгилик жуда бахтиёр этди. Эндиликда Ўзбек мақом санъати факультети алоҳида бўлиб, катта бир олийгоҳнинг асосий қисмига айланди. Яъни Президентимиз ташаббуси билан миллий мусиқа, мақом ва бахшичилик санъатини ўзида бирлаштирган Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилди. Унга Маданият вазири Озодбек Назарбеков ректор этиб тайинланди.

Албатта, бу барча устозлар қатори биз талабаларни ҳам ўзгача илҳомлантирди, десам адашмайман. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Туркманистонда хизмат кўрсатган артист, устоз-санъаткор Озодбек Назарбековнинг олийгоҳимизга ректор этиб тайинланиши янги янги режаларни амалга оширишимизда пойдевор бўлди. Эндиликда устозларимиз қолдириб кетган ўзбек миллий мақом санъати гултожи бўлиши "Шашмақом"ни бутун оламга яқиндан танитишимизда у киши бизга йўлбошчи ва далда бўладилар. Мана шундай катта йўлдан устозларимиз ҳамроҳлигида борар эканмиз, олдинда бизни улкан марралар кутаётганига чин дилдан ишонамиз!

Феруза АБДУКАРИМОВА,

Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

Танлов

Муסיқачиларимиз ютуғи

Жорий йилнинг 7 - 20 июль кунлари «СА АВЕ МУСИКА» Туркия-Россия биринчи халқаро муסיқа танлови ўтказилди.

Унда ўзбекистонлик муסיқачилар ва ижодий жамоаларнинг ҳам муваффақиятли иштироки эътиборга моликдир. Масофавий тарзда ўтказилган танловга қатнашчилар ўз ижроларидаги дастурларни видеоёзув шаклида юборишди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Ўзбекистон давлат филармониясининг «Сўғдиёна» халқ чоғуларига камер оркестри танлов Гран-присига муносиб топилди. Шунингдек, ҳамюртларимиз Улуғбек Юнусов (дутор), Бекзод Тўраев (най)ларга ҳам яққа академик ижрода Гран-при насиб этди.

Халқаро танловда биринчи ўринни кўлга киритган иштирокчилар сафида

Ноила Абдурахимова (композиция), Абдумажид Қорабоев, Кирилл Чахлов, Инара Гулиева (дирижёрлик) Асалхон Юсупова (скрипка), Муъсархон Фидаева (дутор) каби ўзбекистонлик муסיқачиларимизнинг борлиги ҳам қувонарлидир.

Бу ютуқ муסיқачиларимиз ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам ижодий излашдан тўхтамаётганига яна бир амалий исботдир.



Мулоҳаза

Оила – муқаддас қўрғон. Ота-боболаримиз, момоларимиз азалдан уни улуг санаб келган. Унга хиёнат қилмасликка, бузмасликка даъват этишган.

Оила – тенгсиз неъмат. Унда икки қалб бир-бирига бутун умрга бирлашади, солиҳ ва солиҳа фарзандлар кўриш ният қилинади.

Эр-хотин уришида дока-рўмол телевидениеда қуритилипти(ми?)!



Халқимизда бир нақл бор, “Уйдаги гапни кўчага олиб чиқма!”. Агар оиладаги муаммо ташқарига чиқса, муқаддас қўрғонга дарз кетиши, азиз даргоҳ қадрсизланиши мумкин.

Ўзбек миллатида оилага бўлган муҳаббат, унга нисбатан муносабат, умуман турмушга оид барча-барчаси қадриятга бориб тақалади. Бу эса оиланинг нақадар улуглигини яна бир бор исботлайди.

Турмуш сўзидаги “муш” панжанинг йиғилиб, мушт ҳолига келтирилганини англайди. Икки ёш янги ҳаётга, яъни оила оstonасига қадам қўётганда бундай зарбаларга чидашга, бир-бирини доимо ҳурмат қилиши ва қўллаб-қувватлашга ваъда бергачгина никоҳдан ўтилади. Бу ҳам қонуний, ҳам шайрий кечадиган жараён. Ажрашиш ҳам мазкур икки қоида асосида амалга оширилади, яъни ажрим қозони ва талок.

Турмушнинг мушти нима дейилганда, турли рўзгор кемтиклар, учинчи шахслар аралашуви ва яна шунга ўхшаш икки-чикирлар назарда тутилади. Айрим эр-хотин бўлишларининг ана шундай мушларга бардош беролмай осон йўлни қидириши, ажрашиш орқали синовлардан ўтиб кетаман деб ишонилиши оқибатида янада чигал вазиятларга дуч келганини кўп бора кузатганмиз. Ажрашиш учун ҳужжат топшираётган ёш келин-куёвлар, афсуски, улуг кўрғонни бузиб кетаётганини, оқибатда катта хатога йўл қўётганини англашмайпти. Шунчаки, арзимас келишмовчилик туфайли оилани барбод этиб бўлмаслигини фахмлашмаяпти. Никоҳга кимгадир ташлаб кетиш мумкин бўлган бир матоҳдек қарашмоқда.

Яна бундайларнинг ўз қадриятини шунчаки икки оғиз куруқ гап деб билиб, телевидениега чиқиб олиб, майда-чуйда муаммоларига жар солиб айтишини қандай тушуниш мумкин?!

“МУ5” телеканалда эфирга узатилаётган “Очиқчасига гаплашамиз” кўрсатуви ҳам турмуш мушти-ни оғир зарба деб атайдиганлар учун дардини дoston қиладиган жойга айланди. Ижтимоий тармоқларда мазкур телелойиҳа ҳақида ҳам ижобий, ҳам салбий фикрлар билдирилмоқда. Кимдир рус телешоусидан нусха олибди деса, бошқа бири бу бизга тўғри келмаслигини ёзиб қолдирган. Ўзбек ва рус менталитети ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, айнан оила, яна эр-хотинга боғлиқ масалаларни кўтариб чиқиш, эҳтимол, ноўриндир. Лекин фақат кўрсатуви ёки унинг ташаббускорларини қоралаш ҳам хато. Чунки улар бу мавзуга ўз-ўзидан қўл уришмайди. Журналистнинг бот бот таъкидлашича, келиб тушаётган мурожаатлар лойиҳанинг оила масаласига ҳам аралашшига сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг очиқлигини таъминлаш борисадаги ибратли гаплари телекўрсатуви шioriға айланган. Бақлашқа териб кун кўраётган одамларнинг муаммоларини очиқлаш,

маҳалла ва ундан юқори турувчи мансабдор шахслар айбини рўйи-рост айтилгани яхши албатта. Кам таъминланганларнинг ҳуқуқлари поймол бўлаётганини кўриб, “Бу мавзуда очиқчасига гаплашиш керак экан-да” деб кўямиз ичимизда. Бироқ эр-хотин ўртасидаги масалалар қандай қилиб очиқчасига гаплашилиши мумкин? Бунда нафақат икки ёшнинг, балки бутун бир уруғ-аймоқнинг юзи очиқ ташланмайди. Наҳотки, лойиҳага мурожаат қилаётганларнинг бунга фахми етмаса?

Кўрсатувининг бир сонида ёш келинчақ ўз дардини куйиб-ёниб гапирди. Унинг сўзларини эшитган томошбин уятдан қизарди. Кейин онаси чиқиб кизини роса “оқлади”. Аввалига оилавий шароити ёмондир-да, деб ўйладик, бироқ яшаётган уйда кўпчиликнинг рўзғорида йўқ бўюмлар, жиҳозларнинг борлигини кўриб таажубландик. Сўнгра овсинининг студияга чиқиши-ю, бошида айтилган барча гапларни инкор этиши масалани янада чигаллаштирди. “Мулла ака” деб атайдиган овсининг қайни

ақаси, яъни келинчақнинг эри ҳам қараб турмади, у ҳам ўз дардини дoston қилди. Ўртада нега жанжал бўлаётгани, улар нимани бўлиша олмаётганини нафақат аудитория, балки оиланинг (агар оила деб аташ мумкин бўлса) ўзи ҳам тушунайди. Бу нима, ўзбек хонадонларининг ойнадаги аксими?! Биз муқаддас, азиз деб билган турмушнинг асл башараси шунми?! Икки киши ўртасидаги гап-сўзларини бутун халққа етказишдан мудоаа не?!

Хўп, очиқчасига гаплашилсин десақ, эртага уларнинг қавми-қариндошлари, қиз берган, қиз олганлари бор. Уларнинг ҳам жамиятда қадри наслаб кетмайди-ми?! Наҳотки, лойиҳада қатнашишни билганларнинг бунга ақли етмаса?!

Бундан ташқари, уларни томоша қилаётган оилада ҳам ўсиб келаётган фарзандлар, ўғил-қизлар бор. “Эрим бундай қилди, эрим ... деб гапирди” қабилидаги сўзлар билан оғизга салбий таъсир қилмайди деб ким айта олади?! Ахир, биз ёш авлодларга турмуш азиз деб уқтириб келаётган бир пайтда, бундай кўрсатуви кўрганлар онгига инқилоб юз бермайди?!

Оилада жанжал, келишмовчиликлар азалдан бўлган ва бу ҳар бир хонадонга таниш. Чунки бировнинг кизи мутлақо бегона мухитга келиб яшар экан, кўниқиш босқичида турли гап-сўзлар ўтиши табиий. Лекин келин-куёв ўртасига учинчи шахснинг аралашуши оилани пароканда қилишини наҳотки катталар англашмасан?! Яна бир жиҳати, “Шундай қилса бўларкан-да” деб, орамиздан янада майда муаммоларни кўтариб қичувчилар олдарамайди деб ким жавоб бера олади?! “Ковун қовундан ранг олади” дейишганидек, ёмон қовуннинг уруғини кўпайтирмаймизмикан?!

Халқимизда “Эр-хотин уруши, дока-рўмол қуриши” деган нақл

бор. Агар муросага келинмаса, оила бошлиқлари, маҳалла фаоллари бор. Хар икки тарафнинг муддаоси нима эканлиги аён бўлса, улар ҳам масалани жойида ҳал қилиб бера олишади-ку?! Шартмасдир бунинг бутун миллат олдига кўз-кўз қилиниши?!

Исон табиати шундайки, у ўзини оқлаш йўлида ҳар қандай вазиятдан фойдаланишга уринади. Ўтиб кетган, унутилган ўтмишдан далиллар излайди. Энди хар икки тарафнинг ўзини оқлаш учун нималарни гапиршини бир тасаввур қилиб кўринг-а...

Хуллас, очиқчасига гаплашиши учун оила мавзусини олиб чиқиб, бутун бир миллатга намойиш этиш бизнинг менталитетга тўғри келмайди. Лойиҳа яхши, бироқ муаммонинг ҳам муаммоси бор. Четдан ўрганиш, тажриба орттириш яхши, лекин олиб қирилган янгилик миллат қадриятларини тепкилаб кетмаслиги керак.

Хурматли катталар ва маҳалла фаоллари, аслида оиладаги муаммоларни ечишга сиз масъулсиз. Эл бошида турганларга “Оч қорним, тинч қулоғим” қабилидаги ёндашув асло ярашмайди. Агар сиз вақтида чора кўрмасангиз, масалага ечим топмасангиз, эртага ойна жаҳон орқали сиз ҳам жавоб беришингизга тўғри келади.

Хулоса ўрнида яна тарбия ҳақида гапириб ўтишни жоиз топдик. Азиз ота-оналар, қимматбаҳо жиҳозлар, янги русумдаги либослар-у, ялтироқ латта-путталар икки ёшнинг бахтсиз бўлишига арзимайди. Боланинг онасиз ёки отасиз ўсимиша, келажакда уларга оғир тамга босилишига қайсидир маънода сиз ҳам айбдор бўласиз. Бир қарич ерни деб бутун миллат олдига майда-чуйда гапларни олиб чиқиб, шарманда бўлиш эса бизга асло ярашмайди. Муроса бўлмаса, кенг яйлов ҳам икки кишига торлик қилади. Кўзингизни очинг, одамлар, бахт меҳр ва ҳурмат билан дунёга келади. Агар у йўқотилса, ҳеч қандай телекўрсатуви уни сизга тиклаб ҳам, қайтариб ҳам беролмайди, буни зинҳор унутманг!

О.АБДИЕВ

МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС:
«Dildosh media» МЧЖ,
ҳамкор:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева

Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кuni чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатида ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8420 Буюртма - Г - 727
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа акциядорлик компа-
ниясини босмаҳонасида
чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмаҳонага топшириш
вақти - 22.30
Топширилди - 22.00
1 2 3 4 5 6